КИВ. Jv
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 135 (5426).
16 ИЮНЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КЕНГ МИҚЁСДА ВА ЮКСАК СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ПАРТИЯ, СОВЕТ, КАСАБА СОЮЗ ВА ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Тошкент шаҳри партия, совет, касаба союз ва хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. УМАРОВ «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Капитал қурилишни планлаштириш, уни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан шаҳар партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

– Партия ва халқнинг асосий куч-ғайрати,— деди докладчи,— бугунги кунда партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ишлаб чиқиш мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг кенгайтирилган программасини амалга оширишга, ўн биринчи беш йиллик муваффақиятли якунланишини таъминлашга қаратилган. Бу вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволига боғлиқдир.

Тошкент қурувчилари қурилиш ишлаб чиқаришини ошириш учун тадбирлар кўриб, фидокорона иш олиб бормоқдалар. Беш йилликнинг ўтган уч йили ичида 300 минг квадрат метрга яқин саноат ишлаб чиқариш майдонлари, В. П. Чкалов номидаги авиация, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ташсельмаш», «Компрессор» ва бошқа корхоналарда 96 та ҳудди объект ва қувватлар ишга тушди.

2,5 миллион квадрат метрга яқин турар жойлар, 12,4 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 9,86 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, яна бир қатор социал-маиший объектлар қурилди. Янги турар жой массивлари қад кўтарди. Москвалик ва тошкентлик қурувчилар бригалидка «Дўстлик» турар жой комплекси ноёб архитектура анъаналининг кўпгина объектларини қурдилар.

Бу йил қурувчилар дадил одим отмоқдалар. Енгил саноат байроқдори—Тошкент тўқимачилик комбинатини, Акмал Икромов районидаги комбинат филиалини тубдан реконструкция қилишнинг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Лак-бўёқ заводида янги қувватлар ишга туширилди. Каноп фабрикасида ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан ва ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамайтирмасдан реконструкция қилиш тугалланди. Қурилиш-монтаж ишлари беш обилни топшириғи, шифохона ва поликлиникаларни ишга тушириш ярим йиллик планлари бажарилди. 300 минг квадрат метрга яқин турар жой фойдаланишга топширилди. Бу 1983 йил январь—май ойларига нисбатан 1,3 марта кўпдир. Мактаблар, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши уюшқоқлик билан боряпти. В. И. Ленин номли Тошкент метрополитенининг иккинчи линиясида қурилиш графикдан анча ўзган ҳолда олиб бориляпти.

Буларнинг ҳаммаси ишчилар, капитал қурилиш тармоғидаги инженер-техник ходимлар ва хизматчилар кўп минг кишилик отрядининг фидокорона меҳнати, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг кундалик ташкилотчилик ва тарбиявий ишлари натижасидир.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари — коммунистлардан «Ташметрострой» трести проходкачилар бригадири Г. Б. Люстер, «Ташгазспецстрой» трести термоизолировкачиси Р. Х. Шокиров, 1-уйсозлик комбинати бригадири П. Жалилов, «Ташпромстрой» бирлашмаси бригадири В. П. Первушин, 1-темир-бетон буюмлари заводи кранчиси Н. П. Туская ва бошқалар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар, ўн биринчи беш йиллик планларини бажаришда катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида таъкидлаб ўтилган капитал қурилишдаги камчилик ва ҳал этилмаган проблемалар Тошкент қурувчиларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Бу муҳим соҳадаги аҳвол ҳамон бизни ташвишга солади. Беш йилликнинг ўтган уч йилида қурувчилар асосий фондларни ишга тушириш планини бажаришда орқада қолишга йўл қўйдилар. Чала қурилишлар ҳамон кўп. У бажарилган иш ҳажмининг 60 процентдан зиёдини ташкил этяпти. Худди шу давр ичида 335 минг квадрат метрга яқин турар жойлар фойдаланишга топширилмади. Турар жой қурилишининг сифати ҳамон паст. «Ўзбексельмаш» бирлашмаси, электромеханика, резина-техника буюмлари, асбобсозлик заводлари ва бошқа заводлар реконструкцияси объектларида узлуксиз орқада қолишга йўл қўйилмоқда. Шу йилнинг ўтган беш ойи ичида мактабгача болалар муассасаларини ишга тушириш ярим йиллик плани бор-йўғи 50 процент бажарилди, холос, асосий фондларни ишга тушириш эса 63 процент, давлат капитал маблағлари ҳисобига турар жой қурилиши 69 процент бажарилди.

Рўй берган бу аҳвол иш суръатини ошириш, йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш учун шошилинч чоралар кўришни талаб этади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, шу йилнинг барча ишга туширилиши лозим бўлган объектлари ишчи кучи, материал, машина ва механизмлар билан тўла комплектланган бўлсин. Қурувчилар ва монтажчиларни иккинчи даражали ва пландан ташқари объектларга ҳар қандай чалғитишга давлат ва партия интизомини бузиш деб қарамоқ керак.

Шуни айтиш керакки, шаҳар план комиссияси, «Главташкентстрой», «Ташпромстрой», Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг пудратчи ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг иқтисодий хизмат бўлимлари бу ишни ҳали етарлича савияда олиб бормаётирлар.

Шаҳарда капитал маблағларни кўплаб объектларга сочиб юборишга каби ярамас практикага барҳам берилган эмас.

Турар жойлар ва маданий-маиший объектлар қурилишнинг икки йиллик узлуксиз планлаштиришни жорий этиш иши қуруқ гап ва умумий мулоҳазалардан нарига ўтмаётир. «Главташкентстрой», Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси планлаштираётган йил учун объектлар бўйича ишларнинг планграфигини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминламаётир. План-топшириқлари ҳамиша чуқур ишлаб чиқиляпти, деб бўлмайди.

Шаҳар план комиссияси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш бош бошқармасининг коммунист-раҳбарлари етарлича қатъият ва принципиаллик кўрсатмаётганлиги оқибатида йиллик планларни юқори хўжалик органлари билан келишиб олиш ва тасдиқлаш жараёни асоссиз суратда чўзиб юборилмоқда. Тасдиқланган планларга баъзан йил давомида тузатишлар киритиляпти. 1985 йил ва ўн иккинчи беш йиллик учун план лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида саноат қурилишида реконструкция ва техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайдиган илғор технологик жараёнларни ва замонавий ускуналарни жорий этиш, ишлаб чиқаришдаги оғир ва зарарли шароитларга барҳам беришга биринчи галда эътибор берилмоғи керак.

Қурилиш ишлаб чиқаришини планлаштиришни такомиллаштиришда Ўзбекистон ССР Госплани, Госснаби, республика Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг партия ташкилотлари, коммунист-раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланади.

— Биз улардан ишни ниҳоятда аниқлик билан ташкил этишни кутамиз,— деди докладчи.— Улар ҳамон учраётган сансалорлик, келишиб олиш ва тасдиқлашга тавсия этилган планларни кўриб чиқишни асоссиз суратда кечиктириш ҳолларига қатъий барҳам берадилар, деб ишонамиз.

Шаҳарда унча катта бўлмаган иш ҳажмини бажарадиган қурилиш ташкилотлари ҳам оз эмас. Кўп ҳолларда улар фойда бермайдиган бўлинмалар бўлиб қолмоқда. Уларни йириклаштириш, янги ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмалари барпо этиш, қурилишнинг айрим турлари бўйича уларни ихтисослаштириш йўлини янада қатъият билан олиб бормоқ керак. Бу биринчи навбатда «Главташкентстрой»га тааллуқлидир. Бу ерда турар жой қурилиши бўйича ихтисослашган бирлашма ташкил этиш масаласи аллақачон етилган.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги коммунист-раҳбарлари бу борада ўйлаб кўришлари керак. Бизнингча, монтаж ва махсус қурилиш ишлари ишлаб чиқариши бўйича шаҳар бирлашмасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унинг составига Тошкент шаҳри объектларида ишларни олиб бораётган шу министрликнинг барча бўлинмаларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу бирлашманинг бош ташкилоти «Ташсантехгазмонтаж» трести бўлиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми партия ва касаба союз ташкилотлари, меҳнат коллективлари олдига меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ошириш ва қурилиш маҳсулотлари таннархини 0,5 процент камайтириш вазифасини қўйди.

Барча меҳнат коллективлари белгиланган топшириқларни бажаришни кўзда тутган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бироқ, уларни бажариш конкрет ташкилотчилик ва сиёсий ишлар билан ҳамма жойда ҳам мустаҳкамланган, деб бўлмайди.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари кўп ҳолларда қурилиш ишларини механизациялашнинг савияси пастлиги туфайли ошмай қолаяпти.

Бригада пудрати усулини кенг қўллаш меҳнат унумдорлигини оширишнинг таъсирчан воситасидир. Бу резервдан фойдаланиш моддий сарфлар талаб этмайди, ишни тежамкорлик билан олиб бориш имконини беради. Лекин бу ишдаги ижобий тажриба бизда ҳали сустривожланмоқда.

Бош пудрат ва ёрдамчи пудрат шартномаларини ҳеч сўзсиз бажариш муҳим аҳамиятга эгадир. Буюртмачи билан пудратчилар ўртасидаги, бош пудратчилар билан ёрдамчи пудратчилар ўртасидаги шартномалар кўпинча бажарилмаётган ҳолларга дуч келиб турамиз.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорига мувофиқ бажариладиган ишларнинг сифати, объектларни нуқсонсиз ва кам-кўстсиз фойдаланишга топшириш учун қатъий кураш олиб бормоқ зарур.

Қурилишлар баъзан деталь ва конструкцияларни, бетон ва қоришмаларни ўз вақтида ва технологияга мувофиқ етказиб бермаслик оқибатида оқсамоқда. Модий-техника таъминотини такомиллаштириш борасида Ўзбекистон ССР Госснаби мутахассислари, аппаратнинг партия ташкилоти зиммасида катта масъулият турибди.

Шаҳарда турар жой ва маданий-маиший объектлар қурилиши бўйича ягона буюртмачи барпо этиш бўйича муайян система таркиб топди. Шу билан бир қаторда капитал қурилиш бош бошқармасининг ишини ўргани-ш шуни кўрсатдики, ягона буюртмачининг фаолиятини жиддий яхшилаш талаб этилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини бажариш шаҳар партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари иш савиясини ошириш ни талаб этади. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари капитал қурилишни планлаштириш, уни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилашга партиявий таъсирни кучайтиришлари керак. Биринчи навбатда гап қурилиш ташкилотлари кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш, тошширилган иш участкасида уларнинг шахсий масъулятини ошириш тўғрисида боряпти.

Шаҳар партия, совет органлари қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини, турар жойлар ва маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш бўйича план топшириқларини барча корхоналар ва ташкилотлар ҳеч сўзсиз бажариши учун хўжалик кадрлари масъулиятини муттасил оширишлари керак.

Партия ва ҳукуматимиз қўйган вазифалар касаба союз ташкилотлари ишини янада такомиллаштиришни талаб этади. Улар юқори унумли ва хавфсиз меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга эътиборни кучайтиришлари, хўжалик раҳбарларига қурилишларда тегишлича маиший шароитлар яратиб бериш, ишчиларнинг овқатланишини ташкил этиш учун хўжалик раҳбарларига талабчанликни оширишлари керак. Қурилишда социалистик мусобақанинг барча формаларини ривожлантириш бўйича ишлар савиясини янада ошириш зарур.

Докладни муҳокама этишда Киров район партия комитетининг биринчи секретари **Ш. Н. Маҳмудова**, «Ташпромстрой» бирлашмаси 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири **В. П. Первушин**, «Главташкентстрой» бошлиғи **Т. Н. Набиев**, «1-Отделстрой» трести партия комитетининг секретари **А. Р. Мокшин**, Куйбишев район ижроия комитетининг раиси **А. Қ. Нуъмонов**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари **А. К. Журавлёв**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи **С. Р. Одилов** иштирок этишди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Ғ. Ҳ. Қодиров** нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши қатнашчилари муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилдилар.

Кабул қилинган резолюцияда актив қатнашчилари партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қурувчилар, монтажчилар ва қурилишнинг бошқа қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети-нинг қарорларига амал қилиб, капитал қурилишни тубдан яхшилаш учун, Тошкентни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини муваффақиятли бажариш учун барча зарур чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри **П. Қ. Нуъмонов**, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси **В. С. Скребнев** қатнашдилар.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгашида қабул қилинган ҳужжатлар: «Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида баёнот» ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «Тинчликни сақлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик» декларацияси эълон қилинган.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко 14 июнда ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан учрашди.

Учрашув чоғида СССР билан ГДР ўртасида партия, давлат турмушининг, иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг турли соҳаларидаги ҳамкорликка юқори баҳо берилди. Бу ҳамкорлик иккала мамлакатда коммунистик ва социалистик қурилишнинг КПСС XXVI съезди ва ГБСП X съезди белгилаб берган планларини бажаришда тобора катта роль ўйнаётганлиги таъкидланди.

Учрашув самимийлик вазиятида, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларнинг бирлиги руҳида ўтди.

● Ўзаро келишиб олинганига мувофиқ, Сандиночилар Миллий Озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Миллий Уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси 1984 йил июнь ойининг иккинчи ярмида амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ ХОТИРАСИ

14 июнь куни Москвада, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтида Коммунистик партиянинг, Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ю. В. Андропов туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров кириш нутқи сўзлаб очди. Институт директорининг биринчи ўринбосари профессор П. А. Родионов доклад қилди. Матонатли коммунист, оташин ватанпарвар ва интернационалист Ю. В. Андроповнинг ҳаёт йўли, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар, КПСС ва совет халқининг тарихий зафарлари билан, ривожланган социализм жамиятини планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштиришнинг туб вазифаларини ҳал этиш билан, бутун дунёда тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш билан чамбарчас боғланган-дир. Партия Юрий Владимировични қайси соҳага юборма-син у билими ва кучини партия билан халқ бирлигини янада мустаҳкамлашга, социалистик Ватан равнақига, коммунистик идеалларни амалга оширишга тўла-тўкис сарфлаб зўр ғайрат ва собит-қадамлик билан иш кўрди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимларида Ю. В. Андроповнинг таланти ва ташкилотчилик қобилияти айниқса ёркин намоён бўлди.

Коммунистик партия, деб таъкидланди йиғилишда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, социалистик демократияни чуқурлаштиришга, совет кишиларининг фаровонлигини оширишга, шахсни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган сиёсий йўлни изчиллик билан амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил навбатдан ташқари февраль Пленуми ва апрель Пленуми партиянинг бутун кўп қиррали бунёдкорлик ишида муҳим давр бўлди, КПСС, унинг Марказий Комитети, ўртоқ К. У. Черненко бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси теварагига маҳкам жипслашган совет халқи партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун фидокорона курашмоқда.

* * *

Петрозаводскда шаҳар жамоатчилиги намояндалари иштирокида СССР Фанлар академияси Карелия филиали кенгашининг, Петрозаводск давлат университети ва Карелия педагогика институти илмий кенгашларининг Ю. В. Андропов туғилган куннинг 70 йиллигига бағишланган қўшма мажлиси бўлди.

(ТАСС).

ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ю. В. Андропов туғилган куннинг 70 йиллиги муносабати билан 15 июнь куни унинг Кремль девори ёнидаги қабрига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан гуллар қўйилди. (ТАСС).

МОСКВАДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг Иқтисодий кенгаши тугаганлиги муносабати билан 14 июнь куни Москвада СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди.


Матбуот конференциясини Л. М. Замятин кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳозиргина тугаган олий даражадаги Иқтисодий кенгашида қардош мамлакатлар социал-иқтисодий тараққиётининг жуда кўп масалалари юзасидан ҳамда бир қанча халқаро проблемалар юзасидан ошкора ва самарали фикрлашиб олинганлиги қайд этилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўзаро иқтисодий алоқаларининг узоқ истиқболга мўлжалланган стратегиясини белгиловчи муҳим ҳужжатлар имзоланди ва келишиб олинди.

Бу галги Иқтисодий кенгаш социалистик ҳамдўстлик халқларининг турмушидаги муҳим воқеа бўлиб қолиши, уларни янада жипслаштиришга, социалистик ва коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда муваффақиятларга эришишга кўмаклашиши шубҳасиз эканлиги таъкидланди.

Олий даражадаги кенгаш халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун, халқаро муносабатларни нормаллаштириш учун курашни сабот билан давом эттиришга қатъий коллектив азму қарори берилганлигини намойиш қилди.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. (ТАСС).



«Пахтакор» – «Жальгирис» (Вильнюс) – 4:1

Кеча «Пахтакор» ниҳоят ўз мухлисларини хушнуд этди. Вильнюснинг «Жальгирис» командасини қабул қилган ҳамшаҳарларимиз бу йилги чемпионатда ўзларининг биринчи йирик ғалабаларини қўлга киритдилар. Улар меҳмонлар дарвозасига тўрт тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бир тўп ўтказиб юбордилар. Тўпларни пахтакорчилардан Амрнев, Якубик ва Шкварин (иккита), меҳмонлардан Данисявичюс киритишди.

Навбатдаги учрашувни «Пахтакор» ўз майдонида Марказий Армия спорт клуби билан 19 июнда ўтказади.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Спартак» (Москва) — «Динамо» (Минск) —3 :2, «Динамо» (Тбилиси) —МАСК— 2:0, «Динамо» (Москва) — «Зенит» — 0:0, «Металлист» — АСК—1:0, «Днепр» — «Черноморец» — 1:1, «Шахтёр» — — «Динамо» (Минск) — 3:2, рат» — «Қайрат»—2:0, «Нефтчи» — «Торпедо»—0:0.

ЭРТАГА–МЕДИЦИНА ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЛ СОҒЛИҒИ–ЮРТ БОЙЛИГИ

К. ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.

«Кадрлар интизоми, масъулияти, касб-маҳорати — халқ соғлигини сақлаш ишлари юксак сифати ва самарадорлигининг гарови-дир» — шаҳар медицина ходимлари ўз байрамларини ана шундай шиор билан кутиб олмоқдалар. Улар поликлиникалар, шифохоналар, медицина-санитария қисмларида ва диспансерларда меҳнатшлар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича шарафли вахтада туриб, кишиларнинг умрини узайтириш, ижодий активлигини ошириш, касалликларнинг олдини олишга катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Шаҳарда даволаш-профилактика муассасаларининг кенг тармоғи ишлаб турибди: 82 касалхона, 224 амбулатория ва поликлиника, бошқа муассасаларда 13 минг 840 врач муваффақиятли меҳнат қилмоқда. Шулардан 80 кишн илмий даражага, 76 киши «Республикада хизмат кўрсатган врач» унвонига эга. 1000 га яқин мутахассис «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони билан мукофотланган. Уларга 24 минг 523 ўрта медицина ходими муносиб ёрдам бермоқда. Даволашнинг янги-янги йўлларини топиш учун врачларнинг билимини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Врачлар малакасини ошириш марказий ва маҳаллий институтларда, шунингдек йирик касалхоналардаги базаларда 4 мингдан зиёд врач ва 10 мингдан ортиқ ўрта медицина ходими малакасини оширмоқда.

Медицина муассасаларининг тармоғи йил сайин кенгайиб бормоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ўринлар сони бугунги кунда 28 мингдан ошиб кетди, амбулатория, поликлиника муассасалари бир сменада 28,5 мингдан ортиқ кишини қабул қила олади. Шу беш йилликда касалхоналардаги ўринлар 4 минг 500 ўринга кўпайди.

Партия ва ҳукуматимизнинг директив кўргазмаларини бажариш борасида 1983 йилдан бошлаб биринчи марта аҳолини умумий диспансеризация қилиш бошланди. Умумий медицина тармоқларидан ташқари яна 24 диспансер аҳолига ихтисослаштирилган касалхоналардаги базаларда 4 мингдан зиёд врач ва 10 мингдан ортиқ ўрта медицина ходими малакасини оширмоқда. Тўғрисида партия ва ҳукуматимиз доимий ғамхўрлигининг яна бир ёркин далилидир.

Бу бинони фойдаланишга топшириш беморларни қабул қилишни қўпайтириш имконини беради, уларнинг стационардаги шароитини яхшилайди, айни чоғда ихтисослаштирилган ёрдам турларини кўпайтиради.

— 1952 йилда ишга тушган шифохонамиз битта корпусда иш бошлаган эди. Шундан кейин терапевтика, неврология бўлими очилди. Поликлиника хизмати кенгайиб, ҳозирда у 23 минг кишига хизмат кўрсатяпти. Мана энди «Главташкентстрой» 12-қурилиш трести бинокорлари бунёд этган янги олти қаватли корпус қад кўтарди. — дейди шифохона бош врачи Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач М. Х. Эшонхўжаева.— Бу корпуснинг ишга туширилиши бизнинг олдимизга талай янги вазифаларни қўймоқда. Бундан буён аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада такомиллаштиришим и з. беморларни даволашда янги методларни тадбиқ этишимиз. малакасини профилактикаси бўйича иш олиб боришимиз, энг муҳими— медицина ходимларида ҳар бир беморни даволаш учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялашимиздан иборат.

* * *

СУРАТЛАРДА: янги шифохонада.
Т. Каримов фотолари.





ШИФОХОНА КЕНГАЙМОҚДА

Медицина ходимлари куни арафасида шаҳар 6-бирлашган клиник касалхонаси янги корпуснинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Ям-яшил либосга бурканган бир қаватли уйлар қаторида жойлашган 6-шифохона-нинг янги биноси — меҳнаткашлар саломатлиги тўғрисида партия ва ҳукуматимиз доимий ғамхўрлигининг яна бир ёркин далилидир.

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Абу Али ибн Сино номидаги шаҳар 1-клиник касалхонасининг коллективи 1983 йил социалистик мусобақаси якунларига кўра СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Кеча республика Билимлар уйида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари Д. А. Асадов коллективга ана шу мукофотни топширди.

1913 йилда ташкил этилган бу шифохонада дастлаб 15 та ўрин бор эди, ҳозир уларнинг сони 1300 тага етган. Эндиликда у 30 та бўлимдан иборат замонавий медицина комплексидир. Бу ерда ўткир заҳарланиш юз берганида зудлик билан ёрдам кўрсатиладиган ихтисослаштирилган марказ, барокамера бор, хирургияда лазерли скальпель ва даволашнинг бошқа янги методлари қўлланилмоқда. Ҳар йили шифохона 20 мингдан зиёд кишига хизмат кўрсатмоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-цехининг электр пайвандчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Ю. И. Крилов ўз меҳнат календарида 1986 йилнинг иккинчи кварталини бошлади. Бирлашманинг 34 нафар илғори шахсий беш йиллик планларини бажарганлиги ҳақида, 311 илғор шу йилнинг планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

●

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг техника ва маданият саройида Максим Горький номидаги рус академик драма театри коллективи ижлиз ёзувчиси Жон Патрикнинг «Азизим, Помелла» асарини намойиш қилади. Эртага худди шу ерда Москва шаҳридан келган кино артистри ва Бутуниттифоқ телевидениесининг «Кулги даврасн» қатнашчиси Леонид Ярмолькин билан томошабинларнинг учрашуви ўтказилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, кечаси бироз ёмғир ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14—16, кундузи 29—34 даража иссиқ бўлади.

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



• Буюмлардаги символик белгилар

ЧИННИДАГИ ЮРТ ТАРОВАТИ

Репортаж


Чинни заводининг бадиий лабораторияси гўё бир музейни эслатади. Унда бири-биридан чиройли, нафис ва ранг-баранг сервизлар, лаган ва вазалар, гулдонларни кўриб, мафтун бўлиб қоласиз. Дастлаб сизда бу буюмлар завод рассомларининг камида беш йиллик ижоди маҳсули бўлса керак, деган фикр пайдо бўлганди. Янглишган эканмиз. Лабораториядаги буюмлар кейинги бир йилда яратилган экан.

Мана, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев республикамизнинг юбилейига атаб ишлаган, диаметри 350 миллиметр бўлган гулдон лаган. Унга «Прогресс» деб ном берилибди. Лаганда бутун Ўзбекистон акс этиб турганга ўхшайди. Лаган ўртасига Тошкентнинг рамзи бўлган муҳташам бинолар тасвири туширилган. Гир айланасида эса «оқ олтин» хирмонлари, «зангори кема» сузиб юрган пахтазор, саноат корхоналари, республика байроғи ва «60» сўзлари чиройли қилиб ишланган. Бу тасвирлар кўк, оқ, қизил, мовий, пушти, зангори бўёқларда берилганлиги буюмга алоҳида жозиба бахш этган. «Юбилейний», «Самарқанд ансамбли» сервизлари, «Оқ олтин» лагани каби буюмлар ҳам ана шундай зўр маҳорат билан ишланган. Айтишларича, чинни буюмда қанча кўп ранг ишлатилса, уни тайёрлаш шу даражада мураккаб бўларкан. Ҳар бир ранг берилгандан сўнг буюмни печда алоҳида қиздириш лозим бўлади. Аммо чиннисозлар эринишмайди. Буюмлари нафис, чиройли, кишиларга ёқадиган бўлиши учун бор маҳоратларини ишга солишади.

Кейинги пайтларда енгил саноат буюмларида Ватанимизнинг рамзий белгиларини акс эттиришга алоҳида эътибор бериляпти. Бу соҳада айниқса, Тошкент чиннисозлари намунали ишлар қилишяпти. Корхона рассомлари Ватанимиз тарихига оид шонли воқеаларни, буюк кишиларнинг ёркин сиймоларини, республикамиз иф-тихори бўлган буюмларни чинни буюмларда зўр маҳорат билан акс эттиришяпти. Бу буюмлар халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда ҳам юксак баҳоланмоқда. Энг саралари музейларимизнинг экспонатларига айланмоқда.

— Пахта республикамизнинг миллий ифтихоридир — деди биз билан суҳбатда завод директори Абдурауф Алметович Ибрагимов. — Шунинг учун ҳам буюмларимизда пахта чаноғи ва барглари тасвири асосий ўринни эгаллайди. Ҳозир таги кўк пахта гулли чинни буюмлар Тошкентда тайёрланишини ким билмайди дейсиз...

Умуман Тошкент чинниларида рамзий белгилар яхши акс эттирилаётганлиги ва таъкидлаган ҳолда, бу муҳим ишда айрим нуқсонлар борлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Масалан, завод лабораториясидаги «Биринчи президент» деб номланган лаганни олайлик. Унда республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг сиймоси, шунингдек республикамизнинг революцион тарихига оид воқеалар зўр маҳорат билан акс эттирилган. Лекин буюмнинг қандай мақсадда фойдаланилиши ҳисобга олинмаган. Бундай санъат асарига эга бўлган



киши унга палов сузиб емайди, аксинча, уйининг кўринарли жойига илиб қўяди. Буюмни яратганлар эса буни ҳисобга олишмаган...

Ёки Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентдаги кинофестивалига атаб ишланган «Тонг» сервизини олайлик. Ундаги нафис гуллар орасига фестиваль эмблемаси, дидсизлик билан, қўпол қилиб ишланибди. У худди шоҳи сўзанадаги чипта ямоққа ўхшайди...

Шу билан бирга корхонада рамзий белгилар ишлашда асосий эътибор кичик туркумда ишлаб чиқариладиган буюмларгагина қаратилаяпти. Йирик ишлаб чиқарилаётган буюмларда бу иш яхши сезилмаяпти.

Тошкент чинни заводи бундан 32 йил муқаддам ўзининг биринчи маҳсулотини берганди. Ўшанда у Ўрта Осиёдаги дастлабки чинни заводи эди, йилига аранг 1,5 миллион атрофида буюм ишлаб чиқарарди. 60-йилларда завод йилига 8-10 миллион, 70-йилларнинг охирида 25 миллион дона буюм ишлаб чиқарди. 1982 йилга келиб эса реконструкциядан сўнгги қувватлар тўла ўзлаштирилди — йил мобайнида 31 миллион буюм тайёрланди.

— Тошкент чиннисозлари республикамизнинг шонли юбилейи йилида қанча буюм тайёрлашмоқчи? — сўрадик директордан.

— 25 миллион дона.

— ...?

— Ҳайрон бўлманг, — деб сўзида давом этди Абдурауф Алметович, — буюмларимиз дона ҳисобида камайгани билан, пул ҳисобида анча кўпаяди. Бунинг сабаби, биз маҳсулот ассортиментини планлаштиришда буюмлари довруғ тараттан корхонадир. Ҳозир бу ерда 20 хилдан ортиқ буюм давлат Сифат белгиси билан тайёрланяпти. Булар орасида Иттифоқимиздаги ва халқаро кўргазмаларда медаллар ва дипломлар билан тақдирланган «Оқ олтин», «Оху», «Хушбанд» каби сервизлар бор.

Чиннисозлар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили бошидан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи шарафига социалистик мусобақани авж олдирдилар. Натижада коллектив енгил саноат ходимларининг анъанавий байрамини ҳам яхши меҳнат ютуқлари билан кутиб олди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича беш ойлик план ортиғи билан адо этилди. Савдо тармоқларига 5.300 минг сўмлик ёки 9 миллион 700 минг донадан ортиқ сифатли чинни буюмлар етказиб берилди.

Заводнинг гул солиш цехида бўлдик. Бу ердаги асосий ишчилар хотин-қизлардан иборат. Улар кенг, ёруғ, озода цехда зўр ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Потокдаги баҳорни эслатувчи ранг-баранг чинни буюмлар эса кўзни қамаштиради...

Цехнинг члғор бригадири, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Дилбар Орифжонова билан суҳбатлашдик. Орифжоновалар бу ерда бутун бир сулола экан. Заводда Дилбархондан ташқари унинг икки опаси ва укаси, жиянлари ҳам меҳнат қилишяпти. Коллективда бу интизомли, камтар, меҳнатсевар кишиларнинг обрў-эътибори юқори.

Д. Орифжонова бошлиқ бригада заводда биринчилардан бўлиб ягона нарядда ишлашга ўтди. Натижада бригадада меҳнат интизоми мустаҳкамланди, уюшқоқлик ортди, ишчилар ўммаларидаги вазифага янада масъулият билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Бригаданинг илғорлари С. Мамажонов, И. Ғуломова, М. Юнусова шу кунларда республика юбилейига бағишланган мусобақада фаол иштирок этиб, кўп ва сифатли буюмлар тайёрлашда ҳамкасбларига ибрат бўлишяпти. Улар яқинда шонли санага атаб олма гулли буюмлар тайёрлашни ўзлаштиришди.

Цех бўйича ҳар куни 60—70 минг дона буюм ишлаб чиқарилмоқда. Бу буюмларнинг асосий қисмини назоратчилар аъло сифатда қабул қилмоқдалар.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

***

СУРАТЛАРДА: илғор чиннисозлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Дилбар Орифжонова; корхонада республикамиз юбилейига атаб тайёрланган рамзий белгили буюмлар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоларн.

(Давоми. Боши 1-бетда).

690 мингдан ортиқ киши диспансер ҳисобига олинди. Беморларни даволаш ва хасталикни аниқлашга қаратилган тадбирларнинг комплекс плани тузиб чиқилган. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг иши жонлантирилди, шаҳарнинг барча амбулатория-поликлиника муассасалари аҳоли учун қулай бўлган янги штат тартибига ўтказилди. 27 та катталар поликлиникасида профилактика бўлими, 22 та болалар поликлиникасида даволаш бўлими, 10 та катталар ва 13 та болалар поликлиникасида саломатликни тиклаш бўлимлари ташкил этилди.

Участка хизматига алоҳида эътибор берилмоқда. Участка врачларининг сони 1466 тага етказилди. Шулардан 699 киши педиатр ва 767 киши терапевтдир. 1 та педиатрия участкасига 800 га яқин бола, терапевтика участкасига эса 1800 киши тўғри келмоқда. Шаҳар «03» станциясининг ишини такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Кўчма бригадалар сони 1983 йилдаги 124 та ўрнига ҳозир 180 тага етказилди. Ихтисослаштирилган бригадалар сони 38 тага кўпайтирилди: шулардан 13 таси кардиологик, 5 таси руҳий, 4 таси неврологик, 3 таси анестезиологик реанимация, 2 таси урологик ва клиника-диагностика бригадаларидир.

Марказий диспетчерлик қошида юрактомир касалликларини ўз вақтида диагностика қилиш ва кардиограммани ўқиш бўйича масофали-диагностика маркази ташкил этилди.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ишчиларига муҳим медицина хизматини таъминлаш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда.

Тошкентда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг барқарор системаси яратилган. Ҳозир шаҳар консультация маркази ишлаб турибди, поликлиникалар болаларни 32 ихтисослик бўйича қабул қилмоқда. Бундан ташқари болаларга 8 та ихтисослаштирилган санаторийда медицина ёрдами кўрсатиляпти. Физиотерапия ва курортология, гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтларида болалар учун поликлиника бўлимлари, травматология, қон қуйиш ва гематология институтларида эса болалар стационар бўлимлари ташкил этилган.

Болаларни даволаш муассасаларининг тармоқларини кенгайтириш давом этмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида Киров ва Ленин районларида болалар поликлиникаларни ишга туширилди. Сергели, Октябрь, Акмал Икромов районларида туғруқхоналар қурилмоқда. Октябрь ва Киров районларида бир кунда 500 тагача беморни қабул қиладиган поликлиникалар, Собир Раҳимов районида болалар учун сутли таомлар ошхонаси, Сергели районида 850 кишини қабул қиладиган поликлиника қурилмоқда.

6-туғруқхона реконструкция қилинмоқда. 1-юқумли касалликлар касалхонаси ва бошқа муассасалар кенгайтирилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлари ҳақидаги қарори ва унинг ижросини ташкил этиш ҳамда ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг совет ижтимоий ташкилотлари, корхоналар ва муассасаларнинг мустаҳкамланган ижтимоий фондлари ҳисобидан болалар поликлиникаларининг янги бинолари қурилиши ҳақидаги қарорлари кенг халқ оммасининг дадил ёрдамига таянмоқда. Бу ҳужжатлар асосида ижтимоий фондлар ҳисобидан қурилаётган поликлиникаларнинг масъулиятли ишларини бажариш, медицина ходимларини кўрсатилган ишларга жалб қилиш, поликлиникаларнинг ишини яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан ташкилий тадбирлар белгилаб берилди. Поликлиника участка врачлари ва участка ҳамшираларининг сатаётган ёрдамга, дастлабки тиббий ёрдам ва поликлиникаларни такомиллаштириш, болаларга тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган катта ишларни амалга ошириш керак.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ХАТЛАР

Сарсонман

Бош универсал магазинининг орқасида жойлашган 21-алоқа бўлими почтальонлари 300 метр масофани тошбақа юриш қилиб икки-уч кунда босиб ўтади дейишса, ишонаверинг. Биз ҳам олдинига ишонмаган эдик. Газета ва журналларга обуна бўлганимиздан кейин шу гапнинг тўғрилиги маълум бўлиб қолди.

Мен «Шмель», «Скорпион» каби қардошларимизнинг сатирик журналларига обуна бўлган эдим. «Скорпион» журналининг 3, 4, 5-сонини, «Шмель»нинг фақат 3-сонини олдим. Алоқа бўлимидагиларга оз эмас-кўп эмас, етти маротаба учрашдим. «Хат сараловчига учрашинг» дейишди. Лекин сараловчини топишдан кўра аниқонинг уруғини топиш осон экан. Мана шунақа. Обуналаримни ололмай сарсонман.

Т. РАҲМОНОВ,
Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти француз тили факультетининг ўқитувчиси.

Бир сўмдан тайёрланг

Магазин олдида узундан-узоқ навбат, бурчакда эса олтита сут тўлдирилган бидон турибди. Демак, навбатдагилар сут харид қилганни келишган. Йўловчилардан кимдир соат сўрадм, «Етти ярим» дейишди. «Демак, сут сота бошланишига яна ярим соат бор», деди бола кўтариб турган ёшгина аёл.

Соат саккиз бўлди. Ёшгина жувон қўлига чўмич олиб сут сотишни бошқади. «Оқ халат киймади-ку», деди навбатда турган кимдир. «Сут сотяптими, демак сотувчи» деди ёнида турган йигит.

— Бир сўмдан тайёрланг, — деди сотувчи навбатда турганларга қараб.

Биров навбати билан, биров навбатсиз сут ола бошлашди.

— Қайтимини бермайсизми, —деди сут олаётган бир йигит.

— Бир сўмлик, — ўшқирди сотувчи.

— Ахир уч литр сутни бир сўмга бермайди-ку, опажон!

— Уч литрли баллонингни тўлдириб берамми, вассалом — яна бақирди сотувчи.

Бундай воқеа Беруний проспектидаги «Ғунча» кинотеатри ёнида жойлашган Октябрь райпишчеторгига қарашли 2-озиқ-овқат магазинида содир бўлди. Қачонгача сотувчилар харидорлар дилини оғритиб, эрталабдан уларнинг асабини бузишади.

Ғ. ТЎЛАГАНОВ,
Фаробий кўчаси, Оҳакчи проезди, 2-тупик, 24-уй.

Сув бўйида сувга зормиз

Қорасув массивида кўпқаватли турар жой бинолари жуда кўп қурилди. Бу албатта яхши. Лекин қурувчилар ана шу уйларни қураётганда анчагина ариқларни кўмиб юборишди. Натижада аҳоли ариқ сувидан маҳрум бўлди. Ҳозир ариқларимизнинг чанги чиқиб довдарахтлар сувсизликдан қуримоқда.

Бунинг устига баъзи хонадонларда водопровод кранларидан оқадиган сув кечки пайтга борибтақа-тақ тўхтайди. Ҳа ичишга, на ювинишга сув бор. Челак кўтариб маҳаллама-маҳалла изғиймиз. Шуни айтсалар керакда «сув бўйида сувга зор» деб.

Р. ҚУРБОНОВ, Т. ТОҲИРОВ, Н. НАЖМИДДИНОВ ва бошқалар.
Аэродромная кўчаси, 29-уй.

Қаёққа қарашяпти?

Биз Тошкент политехника институтининг кечки бўлимида ўқиймиз. Кундуз куни «Средазкабель» бирлашмасида ишлаганлигимиз туфайли ана шу корхонанинг 2-ётоқхонасида яшаймиз.

Мана тўрт ойдирки ётоқхонамиздаги душхона ремонтда. Унинг устига иссиқ сув йўқ. Ишдан қайтгандан сўнг юз-қўлни ювишга сув қидириб қоламиз. Шу арзимаган, лекин зарур бўлган душхонадаги ремонт ишларини тугаллаш на ётоқхона коменданти, на корхонамиздаги бизга ғамхўрлик кўрсатиши керак бўлган мутасадди раҳбарларнинг эсига келади. Улар ўзи қаёққа қарашяпти!

Ғ. БЕКЖОНОВ, Ҳ. СУЯРОВ, Н. МИРЗАЕВ, ва бошқалар.

Уринишлар зое кетмоқда

Октябрь район «Автодормехбаза»сидагиларга кўнғироқ қилиш у ёқда турсин, бориб айтсангиз ҳам сизни ваъда билан алдашади. Генерал Узоқов кўчасидаги ипакчилик институти бекатининг катта кўча юзидаги бульдозер билан кавланган майдони мана тўрт йилдан бери ахлатхонага айланган.

Ана шу маҳалладаги 500 дан ортиқ хонадон, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари ва кўп болали оналар шу майдондаги чиқиндини йўқотиш учун кўп урнишди. Лекин бу урнишлар зое кетмоқда.

З. АЛИМОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, шахсий пенсионер.

О. ШОИКРОМОВА,
кўп болали она ва бошқалар.

Қанд-шакар саноатининг истиқболлари

Гавана

Республика қанд-шакар саноати мутахассисларининг биринчи илмий кенгашида шу жуда муҳим тармоқни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Кенгашда илмий-тадқиқот институтларидан, шунингдек хом ашё ишлаб чиқариш билан алоқадор ташкилотлардан вакил бўлиб келган 200 нафардан кўпроқ эксперт қатнашди.

Шакаркамишнинг янги, янада сермаҳсул навларини етиштириш соҳасидаги ишлар, шакаркамиш экиш ва унинг ҳосилини ўриб олишни янада механизациялаш, шунингдек қамишзорларни касалликлардан самарали ҳимоя қилиш Кубада қанд-шакар саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари эканлиги кенгашда уқтириб ўтилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБЛР ҚИЛАДИЛАР



Вашингтон—капиталистик дунёнинг энг йирик мамлакати пойтахти Аммо АҚШ кўчаларида хору зор бўлиб ётган бошпанасизлар ва шаҳарларга қараганда бу ерда жуда кўп учрайди. Улар шундай Оқ уйнинг рўпарасида хиёбондаги скамейкаларда оч-яланғоч қоладилар, магазинларнинг ёнида ёмғирдан беркинадилар, вокзал панжараларида совуқ ва шамолдан ўзларини асрайдилар. Ҳозир бундай панасиз америкаликлар сони 3 мил лион кишига етди, улар сони тобора ошиб боряпти.

СУРАТДА: АҚШ пойтахтидаги кўплаб бошпанасизларнинг бири. А. Шальнев фотоси. ТАСС

Шонли сана шарафига

Берлин

ГДР саноат корхоналарининг механизаторлари республика ташкил топган кунининг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада юксак меҳнат кўрсаткичларга эришмоқдалар. Карл Маркс — штадтдаги Ф. Геккерт номли комбинатининг станоксозлари шонли сана шарафига меҳнат ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Уларнинг «кўпроқ, яхшироқ, самаралироқ ишлаймиз — кун сайин илғорларга тенглашамиз!» деган шиори ГДР саноат корхоналарининг коллективларида астойдил қўллаб-қувватланди.

Бу корхонада илғор тажрибани пропаганда қилиш кенг авж олганлиги янги ташаббус бошланиши учун муҳим шароит яратди. Йил бошида бу ерда янги техниканн қўллашга, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий қилишга кўмаклашиш мақсадида маслаҳат пункти тузилган эди. Ҳозир кохонада ишлаб чиқарилаётган ҳар бир янги станок авваллгилардан 30 процент унумлирокдир.

Комбинат меҳнат коллективлари ўртасида уюштирилган социалистик мусобақадан кузатилган асосий мақсад — пешқадамларнинг ютуқларини кундалик меҳнат нормасига айлантиришдан иборат — Карл Маркс — штадт машинасозларининг социалистик мамлакатлардаги, аввало СССРдаги касбдошлар билан мустаҳкам ўзаро баҳамжиҳат ишлашн турфайли улар экн, ўзларига эриш жиларга ёрдам. Корхонада лаб ишлаб чиқ бошлаган янги тип мансуб кўплаб ста лар Ўзаро Ёрдам Кенгашига бўлган мамлакатла конструкторлик бю рида яратилган. Ба на механизаторлар с листик ҳамдўстлик лакатларининг ўнл дан кўпроқ завод бирлашмаси билан тахдам алоқа боғла рибдилар.

КАМПУЧИЯЛИКЛАР ЎҚИШМОҚДА

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикасининг Такео вилояти маркази — Такео шаҳрида очилган янги мактабда ўнлаб жажжи кампучияликлар ўқиш ва ёзишни ўрганишга киришдилар. Кенг синф хоналарида айни бир вақтнинг ўзида 300 ўқувчи шуғулана олади. Улар учун спорт комплекси ҳам қурилган.

Илгари ҳеч қачон Кампучия болалари ўқиш учун бу қадар катта имкониятга эга бўлмаган эдилар, деди мактабни очиш маросимида сўзга чиққан КХР маориф министри Пен Навут, Халқ маорифи органларининг куч-ғайратлари, Совет Иттифоқи, Вьетнам, бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли Республика жуда қисқа муддатда полпотчилар бутунлай вайрон этган маориф системасини қайта тиклабгина қолмай, шу билан бирга Кампучияда умумий таълимни ривожлантиришда олға томон катта қадам қўйишга ҳам муваффақ бўлди.

Бу йилги ўқув йилида, деб уқтирди министр, бошланғич мактабларнинг ўзида бир ярим миллиондан кўпроқ бола таълим олади.

Фотокалейдоскоп



Яқинда Швейцариянинг Ааргау Кантонидаги ресторанларидан бирида офицнантларининг одатдан ташқари кўмакчиси пайдо бўлиб қолди. Бу «Топо» исмли механизмсевар робот (ўнгдаги сурат) маҳаллий электрон фирмасида тайёрланган. У хўрандаларга фақат меньюгина келтириб қолмай, балки уларнинг истакларига кўра ёқимли куйлар ижро этади, рақсга тушади ва бир неча «ёд олган» жумлаларини айтади.

Кейстон — ТАСС фотоси.

* * *

Чехословакия пойтахтида истиқомат қилаётган Людмила Капрасованинг касби тўр тўқувчилигидир. Бу касб унга катта шуҳрат келтирди. Ўтган йили Брюсселдаги тўр тўқувчилар ишлари халқаро виставкасида Людмила Капрасованинг «Олтин ўрчуқ» совриии берилди. Бу мукофотга у ўрушга қарши композиция яратганн учун сазовор бўлди.

СУРАТДА: Людмила Капрасованинг янги иши.

ЧТК—ТАСС фотоси.



ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ ДЕМОГРАФИЯСИ

Нью-Йорк

БМТ қарорғоҳида эълон қилинган «Жаҳон нуфуси, 1984 йил» деб аталган йиллик докладда планетамиздаги демографик тенденциялар тўғрисида янги маълумотлар баён қилинган. Доклад аҳоли сони ўсиши билан турмуш даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишга бағишланган.

БМТ экспертларининг ҳисоблашларига кўра, 1950 йилда ривожланган мамлакатда туғилган бола ўрта ҳисобда 65 йил яшайди. У ерда бугунги кунда туғилган бола ўртача 73 йил умр кўради. Шу билан бирга ривожланаётган мамлакатлар учун ана шу кўрсаткичлар тегишли суратда 41 ва 56,6 йилга баравардир. Маълумотлар шундан далолат берадики, ҳатто келгуси асрнинг бошларида ҳам ривожланаётган мамлакатларда одамнинг ўртача умр кўриши 62 йилга ҳам етмайди.

Ўлим ва ўлим сабаблари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ана шундай тафовутни акс эттиради. Башарти ҳозирги демографик тенденциялар асосан сақланиб қолар экан, ривожланаётган мамлакатларда ўлим ва туғилаётганлар сони ўртасидаги фарқ 2100 йилда 6,6 баробар камайиб 10,2 миллион кишига етади, яъни ҳозиргига қараганда 5 баравардан ошиқ бўлади.

• ЛУҚМА

Почтальон топиб беринг...

Ҳар куни ишдан қайтгач, янги газеталарни қўлга олиб, янгиликлардан воқиф бўлганга не етсин. Биз ҳам ана шу нстак билан 1983 йил учун «Правда» газетасига обуна бўлган эдик. Ўшанда газетани ҳафтада 4—5 марта олардик. Бу ҳолва экан.

Навбатдаги 1984 йил учун «Совет Ўзбекистони» ва «Тошкент оқшоми» газеталарига обуна бўлдик. «Оқшом»нинг шанба сонини гоҳ якшанба, гоҳ душанба кунлари ола бошладик. Бунга ҳам раҳмат деса бўларкан.

Март ва апрель ойларида бир ҳафта ёки ўн кун ичида бир келиб, уч-тўртта газетани ташлаб кетадиган бўлишди. 58-алоқа бўлимига чиқиб, бошлиғига учрашдик.

— Бу қанақаси?

— Шунақаси, почтальонингиз касал. Эртадан газеталарни тўла ола бошлайсиз.

Шунисига ҳам шукр деб почтадан чиқиб кетдик.

Бир ҳафта газета келишини интизор кутиб ўтирдик. Узбек-сельмашская кўчасидаги биз яшайдиган 16-уйнинг эшигини почтальон тақиллатмади. Яна почтага чиқдик.

— Нима бўлди?

— Ишлайдиган одам йўқ.

— Нега бўлмаса газетага обуна қилдинглар?

— Почтальон топиб беринг. Газетани ўз вақтида оласиз.

— Обуна пайтида бунақа шарт йўқ эдику!

— Бошимни оғритманг!

Тавба, деб ёқа ушладигу, почтадан чиқиб кетдик. Почта ходимларини ҳам тавбасига таянтирадиганлар бормикин? Ҳар ҳолда шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси раҳбарлари бу саволга жавоб беришса керак.

Маҳкамовлар оиласининг хатини оққа кўчирувчи

М. НУРМАТОВ.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
16 ИЮНЬ, 1984 й.

Шанба оқшоми

● ДОНОНИНГ СУЗИ АҚЛНИНГ КЎЗИ. ● БУЮК ШАХМАТЧИ ҲАҚИДА ● КУЛГИ — ШИФОБАХШ ДОРИ ● ҲУЗУРИНИ ОМБОР КЎРГАН ПОЙАФЗАЛЛАР



САЛОМАТЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК ҲАҚИДА

ИБРАТЛИ ГАПЛАР

● Табиат кўп лаззатлар яратган. Шулар ичида энг ширин неъмат — сиҳат-саломатлик-дир. Уни қадрланг!

● Севинчу қувончни ҳам, ғаму андуҳни ҳам кўтаролган юракни пўлат деб атанг!

● Асабингизни асрасангиз камида юз йил яшайсиз.

● Дарахтни қурт, темирни занг, одамни ғам емиради, бундан доим эҳтиёт бўлинг!

● Бир хандон отиб кулган одам етмиш ик-томорига ҳаёт дорисини олади, кулинг, имкондан қувониб кулинг.

● Шифокордан дардини яширган одам ўсал бўлади. Дард биринчи киприк қоққандаёқ ши-фокорга кўрсатиб, унинг бало кўзини берки-тиб қўйинг.

Байт:

Соғлом одам табиатн гул бўлур,
Нотинч одам кайфиятн кул бўлур.

АЧИНДИМ, БОЛАЖОНЛАРИМ

Ҳикоя: Бир базмда ёш йигит-қизлар чиройли давра қуриб, ҳазил-ҳузул қилишар, ҳушчақчақ кулишар, ширин гурунглашишар эди. Суҳбатим эсимга тушиб, олма дарахти тагидаги сўрида ҳавас билан ёшларни кузатиб турардим. Бир пайт денг, қўнғироқ мўйловли йигит даврани айланиб, бир қанча шишаларни ажратиб очиб ташлади. Ичкилик ичиш бошланиб кетди. Улар ўзларича баланд овозда бақиришарди:

– Соғлиқ учун. Зумрадхоннинг яна юз йил яшаши учун!

– Ҳаммамизнинг сиҳат-саломатлигимиз учун!

– Омон бўлайлик!

Мен ҳайрат билан қараб ўтирардим: «Дастурхон тўла ноз-неъматлар турибди, кўпчилик ҳам яхши тотимай, нуқул ичишяпти. Ёшларда, майли, замони келибди, ишқилиб ўйноқлашса бўлганн», деб ният қилардим. Давра эса боғ-бот, кетма-кет қадаҳ уришти-лаверди.

Тун алламаҳал бўлиб қолдиямки, ёшларнинг гурунги совимасди. Туғилган кунини ўтказаётган Зумрадхон ўртага тушиб чунонам рақс тушардики, чарх ураётган қалдирғоч ҳам унинг олдида ип эшолмасди.

Бирдан «қий-чув» бўлиб қолди. Зумрадхоннинг юраги ёмон экан, хушидан кетиб йиқилибди. Бир зумда «Тез ёрдам» чақиришди. Ун касалхонага олиб кетишди. Даврадаги қўлма мўйловли йигит билан норғил бир йигит муштлашиб, афти-башараларини ёришди.

Базм ёмон бир таъзим билан тугади. Боягина «соғлиқ учун, омонлиқ учун» деб ичаётган ёшларнинг ҳолатига ачиндим, ўртандим, ичкилик — оғу, келтирар қайғу», дедим.

Байт:

Ўлгун лола рангли бир коса шароб,
Доно ақлин олиб, этибдн хароб.

ДОНО ҲАКИМ МАСЛАҲАТИ

Ҳикоя: Машҳур бир табиб бир хароба қишлоқдан ўтиб кетаётган экан, озиб-тўзиган, ранглари, касалманд одамлар уни тўхтатишибди.

– Қишлоғимиздагилар ёппасига бетоб, — дейишибди улар илтижо қилиб.— Дардимизга даво чорасини айтиб кет.

Доно ҳаким атрофга қарабди, қишлоқни айланибди, сўнг одамларга шундай маслаҳат берибди:

